



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 8 январь, № 5 (5935)

Чоршанба

Янгиликлар, воқеалар

хабарлар

■ Урганч давлат университети таълим жараёнини электрон тизимга ўтказди. “Электрон университет” деб номланган ушбу тизим ўз ичига ўндан ортик дастурларни қамраб олган.

«Электрон университет»

Бу орқали нафақат талабаларнинг давоматини текшириш, балки уларнинг фанларни қай даражада ўзлаштираётгани каби барча маълумотларни тармоқ орқали олиш мумкин. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти ҳам мониторинг қилиб борилади.

Ушбу дастурлар ўқув жараёнини статистик маълумотлар базасига асосланган ҳолда, тезкор тарзда таҳлил қилиш ҳамда ўз вақтида зарурий чоралар қўллашни ҳам таъминлайди. Бундан ташқари, янги тизим амалда бюджет маблағларини тежаш имконини беради.

Эътиборлиси, “Электрон университет” доимий равишда онлайн тизимида ишлаб, унинг маълумотлар базасига Ер юзининг исталган нуқтасидан кириш мумкин.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Китоб туманидаги “Safet Karb” масъулияти чекланган жамиятида лок-бўёқ маҳсулотлари учун минерал хом ашё — микрокальцит ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ноёб маъдан

Норуда жинслар ичида алоҳида хусусиятга эга бўлган ушбу маъдан мармарга махсус ишлов бериш йўли билан олинади. Бугунги кунда лок-бўёқ, қоғоз, линолеум ва бошқа резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий хом ашё сифатида кенг қўлланиладиган мазкур маҳсулотга жаҳон бозоридида талаб катта. Айни пайтда бу

ерда йилига 18 минг тоннагача микрокальцит тайёрлаш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, 50 кишининг доимий бандлиги таъминланади. Келгусида қувватларни ошириш баробарида, лок-бўёқ ишлаб чиқариши ҳам йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Бухоро шаҳрида янги ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Мазкур объект “20-трест” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бунёд этилди.

Спорт шаҳарчаси

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ажратган 1 миллиард 945 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган замонавий иншоот 11х25 ўлчамдаги ҳавзага эга бўлиб, унда ўғил-қизларнинг тўлақонли машғулот ўтказишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Хусусан, бу ерда кунга юз нафар киши спортининг сузиш тури билан шуғулланиши мумкин. Ушбу ёпиқ сув ҳавзаси Абдулоқ Жўдудовнинг кўчасидаги унганча қад ростлаган теннис ҳамда бокс марказларига уйғунлашган тарзда ўзига хос спорт шаҳарчасининг муҳим қисмига айланди. Истикболда кураш марказини ҳам барпо этиш мўлжалланапти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тайлоқ туманидаги “Сиёб саховати” қўшма корхонаси томат пастаси ҳамда мева-сабзавотлардан шарбатлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Янги маҳсулот

Яқинда бу ерда 4 миллиард сўмлик инвестиция эвазига ўсимлик ёғи тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Илғор ускуналарни бошқариш учун 40 нафар ишчи-мутахассис жамоасига қабул қилинди. Туманда яқунланган йилда янги корхоналар

ташқил этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш субъектларини техник ва технология жўнатдан модернизациялаш эвазига 120 та иш ўрни яратилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Хатирчи туманидаги “Урал Жамшид” хусусий корхонасида лойиҳа қиймати 100 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилган, ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортди.

Иссиқлик тежаллади

Деворбоп материаллар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонага ўрнатилган халқали пеллар кўмир ёрдамида ишлаши билан бирга, иссиқликни икки баробаргача тежайди. Айни пайтда 30 нафардан ортик киши меҳнат қилаётган корхонада йилига 1,5 миллион донагача сифатли қурилиш ашёси тайёрлаш имконияти мавжуд.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ОНА ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ



Юртимизда Ватан ҳимоячилари кўни ва Қуролли Кучларимиз ташқил этилганининг 22 йиллигини нишонлашга қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Ушбу сананинг ҳаётимизда тутган ўрни ниҳоятда катта. Чунки истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган, бугун дунё аҳли ҳавас билан эътироф этаётган ютуқ ва марраларимиз замирида, аввало, тинчлик-осойишталик, деган улғу неъмат мужассамдир.



Ана шу неъматни асрашда эса профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямиз мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Утган йигирма икки йил давомида мусаффо осмонимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армияни барпо этиш йўлида, ай-

тиш жоизки, кўлами жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Жумладан, Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги тизими яратилди, қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ва сержант кадрларни тайёр-



лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими вужудга келди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгариб борапти. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир

йил этиб белгилангани, сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий қилингани, чақирувнинг йилда бир марта ташқил этилаётгани, қолаверса, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратил-

ган чора-тадбирлар ҳарбий бўлинмаларда ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат тўғрисида кучайтиришга олиб келди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар ҳинд матбуоти нигоҳида

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Жумладан, “Political Events” журналинда чоп этилган “Ўзбекистон кўп партиявийликка асосланган демократик тизимни ривожлантириш йўлида” сарлавҳали мақолада мустақил ривожланиш йилларида ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга юксак баҳо берилган.

Нашрда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республи-

каси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган. Мазкур дастуриламал ҳужжатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатни ислохот этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга Ўзбекистон раҳбари томонидан алоҳида урғу берилгани таъкидланади.

Мақолада қайд этилганидек, кўп партияли тизимни мустаҳкамлаш ва партияларaro рақобатни кучайтириш демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлгани ҳолда, партиялар халқ манфаатларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизми сифатида хизмат қилади.

“Business Central Asia” журнали саҳифаларида чоп этилган “Ўзбекистон Конституцияси ва демократик ислохотлар” номли материалда ҳам юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ўзгаришларда Асосий Қонунимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритилади.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азал-азалдан дунё аҳлининг қизиқишини орттириб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, туризм соҳаси ривожига қаратилган алоҳида эътибор туфайли Шарқ дурдонаси бўлмиш бу азим шаҳарни, ундаги тарихий обидаларни кўриш, халқимизнинг бой аъёна ҳамда кадриятлари, турмуш тарзи билан ақиндан танишиш истагида ташриф буюраётган сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Қишнинг ҳозиргидек совуқ кунларида ҳам Самарқандда жаҳоннинг турли бурчақларидан келган хорижий меҳмонларни учратиш мумкин. Мухбиримиз улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

«Самарқанд бизни мафтун этди»

дейишмоқда қадимий шаҳарга ташриф буюрган сайёҳлар.

Герд ВЕЛИНГ

(Германия): — Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидалар, маданий мерос объектлари кўп экан. Бундай кўҳна ёдгорликлар сайёҳларни оҳанрабодек ўзига жалб этади. Мамлакатнингизда туризм инфратузилмаси ҳам яхши ривожланганини эътироф этиш жоиз. Замонавий меҳмонхоналар, қўрсатилаётган хизматлар менга жуда манзур бўлди. Одамларнинг очик чеҳраси, доим табассум билан қарши олишини айтмай-сизми?! Бундай тақаллуфдан ҳар қандай кишининг кўнгли тоғдек кўтарилади. Айтишларича, биргина Самарқанд шаҳрида сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи 160 га яқин фирма бор экан. Демак, Ўзбекистонда туризм соҳасида

рақобат мавжуд. Рақобат бор жойда эса, албатта, ривожланиш бўлади.

Роллеро КАТЕРИНА

(Италия): — Ўзбекистонга келган илк кунимдаёқ бу юртнинг гузал табиати, мусаффо ҳавоси менга ҳар томонлама манзур бўлди. Меҳмондўст халқи ҳақида эса ҳар қанча гапирсан оз. Дунёнинг нариги бурчагидан ташриф буюрган одам ҳам ўзини худди уйдагидек ҳис қилади. Энг муҳими, юртингиз тинч. Осойишталик, фаровонлик ҳукм сурган мамлакатда эса ривожланиш, ўсиш бўлади. Самарқанддек минг йиллик шаҳарлар асл ҳолича сақланиб, биз каби сайёҳларга ўзини кўз-кўз этади.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ИЖОБАТИ

Президентимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида юртимизнинг янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топиши, барча-барча эзгу ниятларимиз рўёбга чиқиши учун чин ўрақдан тилак билдирдилар. Бу эзгу тилақ, албатта, ижобатини топади. Бунга асослар бор.

ДИЛ СЎЗИ

Масалан, кечагина кузатганимиз 2013 йил кўллаб қувончли воқеаларга бой бўлди. Мамлакатимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳарларимизнинг янгилиниши, яшариши, иқтисодий-иқтисодийнинг жадал суръатларда ривож-

нинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташқил этаётгани, бундай кўрсаткич жаҳондаги камдан-кам давлатларда кузатилаётгани билан изоҳланмоқда.

Болажон халқимиз. Фарзандимизга атаб уй қуриш ўзига хос менталитетимизга айланган. 2013 йилда вилоятимизда намунавий лойиҳалар асосида 1050 та замонавий уй-жой бунёд этилди. Қувонarliси, қишлоқларда қурилаётган тураржойлар худудга кўрк бағишлаётган

бўлса, уларда яшаш учун яратилган шарт-шароитлар эса шаҳарниқайдан қолишмайди.

Соғлом бола йилида ҳам бу борадаги бунёдкорлик ишларини давом эттириш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши, шубҳасиздир.

(Давоми 2-бетда).

2013 йилда мамлакатимизда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

117

миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилди.

Бу эса, ўз навбатида, қанчадан-қанча хотин-қизларга бизнес фаолиятини йўлга қўйиб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, оиласи, эл-юрт учун фойда келтириш, ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топиш имконини бергани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ



ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада юксак натижаларга эришилмоқда.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маълумки, инсон ҳаёти атроф табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқ. У табиий муҳитнинг таъсири остида яшайди. Инсон дунёга келибдики, кўз очиб табиатни кўради, унинг сўлим бағрида ҳаёт кечиради.

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш фурсати етгани алоҳида таъкидланган эди.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатга мувофиқ, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида чоп этилди.

Шу сабабли мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф табиий муҳитни авайлаб-асраш, муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Конституциямизда ҳам атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида экани мустақкамлаб қўйилган.


Қонунда экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари батафсил тартибга солинган. Мазкур Қонунда экологик назоратга тушунча берилди. Унга кўра, экологик назорат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Мамлакатимизда экологик назоратнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари томонидан экологик назоратнинг амалга оширилиши ва бунда жамоатчилик, хусусан, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини янада кенгайтирилиши, экологик йўналишдаги жамоат бирлашмаларининг шаклланишига ва янада ривожланишига ҳар томонлама шарт-шароит яратилиши, шубҳасиз, келажақда ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатга мувофиқ, экологик назоратни амалга оширишда экологик назоратнинг жамоатчи инспектори институти ташкил этилмоқда. Белги-ланган тартибда махсус тайёр-гарликдан ўтган ва экологик назоратда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиши мумкин. Жамоатчи инспектор экология соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан ривож этилишини кузатиб боришни амалга оширади.

«Самарқанд бизни мафтун этди»

дейишмоқда қадимий шаҳарга ташриф буюрган сайёҳлар.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амир Темури мақбараси, Шохизинда, Регистон ансамбллари томоша қилар эканман, бир зумга ўзимни олис тарихга қайтгандек ҳис этдим. Бу обидаларда кишини ўзига ром этадиган қандайдир сеҳр бор.

зон. Сотувчиларнинг ҳушмуомалигини айтмайсизми?! Буларнинг барчаси юртдаги фаровонлик, маъмурчиликдан далолатдир.

Эдгар КЛОЗЕ (Германия):

— Ўзбекистонга илк бор бундан анча йиллар аввал келгандим. Ушунда ёзнинг жазирасида, диққинафас поездда Тошкентдан Самарқандга қараб йўлга тушганимиз ҳамон эсимда. Очиги, жуда қийналганмиз. Бу галги саёҳатим эса мутлақо ўзгача бўлди. Самарқандга "Афросиёб" деб номланган тезорар поездда келдик. Вагон кузатувчилари — ёш йигит-қизларнинг икки-учта тилда эркин сўзлаша олиши, ҳуш муомаласи, юқори даражадаги хизмат менда алоҳида ҳавас уйғотди. Поезд шундоқ ҳам катта тезлик билан ҳаракатланди. Лекин вагон ичидagi илиқ муносабатдан Самарқандга гўё кўз очиб-юмгунча етиб келгандек бўлди.

Дэвид НОЕЛ (Австралия):

— Самарқанд ва Бухородаги бетакрор ёдгорликларнинг меъморий услуби менда алоҳида қизиқтириш уйғотди. Улуғбек расадхонаси гаройиб шаклда бунёд этилган экан. Регистон майдонидagi иморатларнинг ҳар бирида катта-кичик ҳажмдаги гумбаз ва миноралар бор. Уларга чизилган нақшларни ҳақиқий санъат асари деса бўлади. Урта асрларда бундай маҳобатли иморатларнинг қурилиши ажодларнинг меъморчиликда улкан тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Таассуротларим ҳақида айтсам, Ўзбекистон жуда ўзгариб кетибди. Тошкент замонавий пойтахтга айланибди. Ҳамма ёқда янги иморатлар, йўллар, хиёбон ва боғлар. Самарқанд эса мамлакатингиздаги сайёҳлик марказига айланибди. Ўтган сафар келганимда сайёҳлар ҳам, меҳмонхоналар ҳам бунчалик кўп эмасди. Бу халқингизнинг бунёдкорлик, яратувчилик салоҳиятидан далолатдир. Бундай мамлакатда яшайтган одамларга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди.

Сара ХЕМБЛТОН (АҚШ):

Бугунги кунда барпо этилаётган бино ва иншоотларда ҳам миллийлик билан замонавий архитектура услублари моҳирона уйғунлаштирилаётгани диққатга сазовор. Шу боис менда ўзбек меъморчилиги аъёнларини чуқур ўрганиш, ҳатто дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш керак, деган фикр туғилди.

— Самарқанд шахридаги тарихий обидаларнинг жуда яхши ҳолатда сақланганини эътироф этиш лозим. Бир неча аср муқаддам бунёд қилинган иморатларни асл ҳолида сақлаш, албатта, катта куч ва меҳнат талаб этади. Юртингизда тарихий меросга бўлган эътибор тахсинга лойиқ.

Хернандес ХЕРРЕРА (Австрия):

— Ўзбекистон — улкан салоҳиятга эга мамлакат. Бу фикрни бугун дунё жамоатчилиги бот-бот тақрорламоқда, десам, муболага қилмаган бўламан. Чиндан ҳам, мустақил тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаётган мамлакатингиз барқарор иқтисодиёти, илм-фан, таълим, маданият, спорт, қўйинлик, ҳар бир соҳада эришаётган улкан ютуқлари билан ана шундай таърифага муносиб эканини исботламоқда. Шу боис ҳам нуфузли халқаро ташкилотлар, корпорациялар, фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларини мустақкамлашга, изчил ҳамкорлик қилишга астойдил интилмоқда.

Самарқандда нафақат кўнра ёдгорликларни асраш, балки аҳоли учун янги уй-жойларни қуришга ҳам алоҳида аҳамият берилаётганига гувоҳ бўлдим. Намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган кўркам уйларни кўриб, ҳавасим келди. Тураржойларни барпо этишда фасллар, ҳарорат, ҳатто ҳаво оқимининг хоналарга таъсиригача инобатга олиниши ибратли тажрибадир. Йўлақлар, болалар майдончаси, машина қўйиладиган жойлар — ҳамма-ҳаммаси назарда тутилган. Бу каби шиъан уйлар юртингизнинг бошқа ҳудудларида ҳам қад ростлаётган экан. Бунёдкорликнинг кўлами кенглиги мамлакат раҳбариятининг аҳоли фаровонлигини таъминлашга бўлган юксак эътиборидан далолатдир.

«Халқ сўзи» мухбири Маммадёр ЗИЁДИНОВ ёзиб олди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда фермерлар қишлоққа саноатни олиб кириши, аграр секторнинг барча тармоқларини йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва қишлоқлар қиёфасини ўзгариштиришда фаол қатнашмоқда. Улар нафақат галла ва пахта етиш-

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ИЖОБАТИ

тираяпти, балки аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида чекка-чекка ҳудудларда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада, табиийки, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, фермер ҳўжалиқларининг моддий-техника базаси тобора мустақкамланиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовор. Зеро, беш йил олдинги аҳвол билан бугунги ҳолатни таққослаб бўлмайди. Бундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Негаки, қишлоқ ҳўжалиги нечоғли ривожланса, халқимизнинг фаровон ҳаёти, дастурхонимизнинг тўкинлиги шу даражада таъминланаверади. Бу жараёнда иштирок этиш эса бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди. "Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг республика босқичида жамоамиз голибликни қўлга киритиб, Президент совғаси — замонавий автомобиль билан мукофотланганининг боиси шунда.

Қисқача айтганда, халқимиз барча соҳаларда эришаётган муваффақиятлар, ютуқлар ва галабаларнинг асоси азму-шижоатда, хоҳиш-истақда, матонатда. Бу уч муштарак туйғу эса бизни янги марралар сари чорлайверади.

Иброҳим ХОЛИЁРОВ, Қарши туманидаги «Бахт» фермер ҳўжалиги раҳбари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Конституция қабул қилинган 1992 йил 8 декабр Ўзбекистон тарихидаги муҳим ва кутлуғ санадир. Мамлакат Асосий Қонуни умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари кафолатлари таъминланиши бўйича дунёдаги илгор тажрибани пухта ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган. У демократик давлат куриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашдек олий мақсадларга эришишнинг муҳим кафолати ҳисобланади", дея ёзилади нашрда. "Business Central Asia" республикасида амалга

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар ҳинд матбуоти нигоҳида

оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва уларнинг натижаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Нашрда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, одил судловнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш бўйича тарихий аҳамиятга молик ислохотлар изчил ра-

вишда ҳаётга татбиқ этилаётгани таъкидланади. "Олиб борилаётган ислохотлар замирида жамиятда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш сингари олижаноб мақсадлар мужассамдир. Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазосининг бекор қилингани республика суд-ҳуқуқ тизимини ли-

бераллаштириш жараёнидаги муҳим воқеа бўлди", дея қайд этилади "Business Central Asia"да. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳинд матбуотида бундай мақолаларнинг чоп қилиниши, шубҳасиз, Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларга Ҳиндистон жамоатчилигида қизиқтириш катта эканлигидан далолат беради.

«Жаҳон» АА. Дехли

ОНА ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, ахборот-коммуникация

технологияларининг сир-асрорларини пухта билишни тақозо этади. Ушбу жиҳатлар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёнларида алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, Тошкент олий

умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетидан профессионал, назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаган юксак салоҳиятли офицер кадрлар етишиб чиқмоқда. Бундан ташқари, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси очилди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу даргоҳ зиммасига малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қолаверса, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш вазифаси юклатилди.

— Ҳарбий соҳага болалигимдан қизиққанман, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Адхам Аҳмадов. — Шу ниятда мазкур таълим даргоҳига ўқишга кирдим. Бизга ўз ишининг моҳир усталари бўлган ўқитувчи ва офицерлар таълим-тарбия беришди. Уларнинг сабоқлари эртага офицер сифатида хизматни бошлаганимизда, албатта, қўл келади. Шу ўринда Тошкент тиббиёт академияси ҳузурда ҳарбий-тиббиёт

факультети ташкил этилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Юқори интеллектуал салоҳиятга эга, табиий зимнатнинг юксак малакали офицерларини, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касбий тайёргарлик даражасини мунтазам ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш мазкур факультетнинг асосий фаолият йўналишидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳарбий таълим жараёнида энг сўнги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, ком-

пьютер тренажёрларидан кенг фойдаланилаётгани алоҳида эътиборга молик.

Миллий армиямиз куч-қудратини мустақкамлаш йўлида ҳаётга татбиқ қилинган ислохотларнинг кўлами жуда кенг. Шулар қаторида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими йўлга қўйилгани ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, замонавий ҳарбий шахарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жаов берадиган қўлай ижтимоий-маиший шароит ҳамда инфратузилмаларни яратиш бериш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ана шу мақсадларни кўзда тутди. Ҳозирга қадар кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги гамхўрлиги натижасида кўркам уйларга кўчиб ўтдилар.

Мухтасар айтганда, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, барча имкониятларга эга ҳарбий қисмларимиз, ҳар томонлама етуқ, жасур ва сергак ўғлонларимиз азму-шижоатини кўрганда, кўнглимиз фахру ифтихорга тўлади. Зеро, Ватанига, халқига садоқатли офицер ва аскарлардан ташкил топган профессионал миллий армиямиз юртимиз мустақиллигининг, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг кафолатидир.

Шавақат ОРИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН **24** **СОАТ ИЧИДА**

АҚШда кузатилаётган қаҳратон совуқ ва қор бўронлари ҳали-бери чекинадиганга ўхшамайди.

Қаҳратон совуқ чекинмаяпти



Фойдаланмай туришга чақирган.

Қаттиқ совуқ оқибатида хозирга қадар ўн олти киши ҳаётдан кўз юмган. Қор бўронлари туфайли минглаб авиарейслар бекор қилиниб, поездлар ҳаракати вақтинча тўхтатилган.

Худди шунга ўхшаш об-ҳаво шароити кўшни Канадада ҳам кузатилмоқда. Мамлакатнинг бир нечта музофотида изгирин за-битага олиб, кўчалар ярим метр қалинликдаги қор билан қопланган.

Электр ва иссиқлик узатиш тизимида юзага келган муаммолар туфайли минглаб турар-жойлар таъминотсиз қолиб кетган.

Чунки синоптиклар яқин кунлар ичида мамлакатнинг шимолӣ штатларида ҳарорат 50 даражагача совиб кетиши мумкинлигини баҳорат қилишмоқда. Шу боис ҳукумат аҳолини кўчаларга камроқ чиқишга, электр энергиясини тежаб ишлатишга ҳамда шахсий автоуловлардан

Савдодаги ўзгариш

Хитойнинг смартфонлар ишлаб чиқарувчи "HTC" компанияси маҳсулотлари савдоси бир оз камайди, дейилади "Евроњьюс" телеканални хабарида.



Масалан, корхона ўтган йилнинг тўртинчи чорағида мобиль алоқа воситалари харидорғирлигини ошириш мақса-дида уларнинг нарҳини арзонлаштирган эди.

Аммо бу тадбир қўтилган самарани бермади ва у ушбу даврда олдинги чорағидан сезиларли даражада кам — 7,3 миллион евро миқдориди соф фойда кўрди.

Мазкур компания бундан икки йил аввал смарт-фонлар бозориди пешқадам эди. Чунки ўшанда харид қилинган ҳар ўн та телефондан бири мазкур компания маҳсулоти ҳисобланарди.

Беш йилда биринчи бор

Ўтган йили дунё бўйича мусиқа дисклари савдоси 5,7 фоиз пасайган.



(117,6 миллион дона)га камайган.

Бу жаҳон мусиқа саноатида сўнгги беш йил ичида қайд этилган биринчи пасайиш ҳисобланади.

Манбага кўра, 2013 йилда "Spotify" ва "Pandora" компаниялари томонидан тақдим этилган хизматлар бунга асосий сабаб бўлган. Чунки улар интернет орқали мижозларга ойига 10 АҚШ доллари эвазига мусиқий композициялар каталогидан хоҳлаганча фойдаланиш имконини берган.

Корхонанинг дахли йўқ

Японияда "Maruha Nichiro Holdings Inc" компанияси томонидан савдога чиқарилган яримтайёр озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилган 356 киши заҳарланган.



Улар диарея ва кўнгил айнаши каби шикоятлар билан шифокорларга мурожаат қилишган.

Зарарли маҳсулотлар компаниянинг Гумма префектурасидаги корхонасида тайёрлангани ва савдо мажмуаларига етказиб берилгани айтилмоқда.

Мазкур кўнгилсизлик учун "Maruha Nichiro Holdings Inc" мижозлардан узр сўраб, тўқсон турдаги маҳсулотни савдодан қайтариб олди. Уз навбатида, маъмурият маҳсулотлар таркибига заҳарли моддалар тушишига ишлаб чиқарувчиларнинг алоқаси йўқлигини ва буни қимдир атайлаб уюштирган бўлиши мумкинлигини билдирган.

Текширув ишлари давом эттирилмоқда.

Чилида зилзила

Чили шимолида 5,8 балли зилзила юз берди.

Бу ҳақда "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ер ости сил-кениши Икике шахридан юз километр жануби-шарқда қайд этилган. Вайроналар ва қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»
унитар қорхонаси
жамоаси

барча юрдошларимизни
Янги йил
билан муборакбоо этади!

*Янги йилда барчамизни бахт-иқбол,
хонадонимизни файз-барока,
юртимизни хотиржамлик
ва фаровонлик асло тарк
этмасин!
2014 йил ҳар бирилизга
қувонч олиб келсин!*

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Maxtel Constraction» корхонасига тегишли, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32 кв.м. бўлган ёрдამчи хўжалик бинолари тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 175 335 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 январь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 22 январь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Тел.: (8-375)-225-44-58. www.tkms.uz

Лицензия: RR-0001

«Universal Auktсион Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 22 январь кунни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги мулклар қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар ЖИБ судининг 2011 йил 28 ноябрдаги 210-сонли, 2012 йил 25 март, 2012 йил 24 август, 2013 йил 7 март, 2013 йил 30 апрель ва 2013 йил 5 июлдаги 422-2013-сонли ижро варақасига асосан, Тахтакўпир тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган:

- Тахтакўпир тумани «Жанадарья» ш/ҳда вақтинча сақланаётган, ўрта ёшдаги 10 дона совлиқ қўйлар.
- Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 218 700 сўм.
- Тахтакўпир тумани, «Белтау» ОФИда вақтинча сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-4А» русумли трактор, завод рақами 342838.
- Бошланғич баҳоси — 11 389 896 сўм.
- Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, ишлаб чиқарилган йилли номаълум, «Урал» русумли мотоцикл, давлат рақамисиз.
- Бошланғич баҳоси — 239 149 сўм.
- Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412ИЭ» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 23 G 0016.
- Бошланғич баҳоси — 1 322 698 сўм.
- Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА ВАЗ 21061 СНГ» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 95 V 968 АА.
- Бошланғич баҳоси — 4 592 700 сўм.
- Нукус шаҳар ИИБда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ ДАМАС 150 STD Б/К» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 95 N 130 ВА.
- Бошланғич баҳоси — 21 375 000 сўм.
- Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани ЖИБ судининг 2013 йил 17 сентябрдаги ижро варақасига асосан, Эллиққалъа тумани СИБ томонидан хатланган, Эллиққалъа тумани «АТП-20» МЧЖда вақтинча сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi Galant» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 95 J 103 ВА.
- Бошланғич баҳоси — 16 200 000 сўм.

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан тақрорий савдо 2014 йил 24 февраль кунни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 22 январь кундаги савдога 20 январь, 7 февраль кундаги савдога 5 февраль ва 24 февраль кундаги савдога 21 февраль кунни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар зақалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Universal Auktсион Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий кўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Гувоҳнома № 004059.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.

Қорхона ва ташиқлотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ
БОШҚАРМАСИ

денгиз тўлқини рангли ип аралашган жунли матоларни етказиб бериш бўйича тендер савдоларининг мuddати узайтирилганлигини эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш тижорат таклифлари — эълон чоп этилган санадан бошлаб 31 кун давомиди қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кунни соат 9.00 дан 19.00 гача куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

Қорхона ва ташиқлотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ
БОШҚАРМАСИ

куйидагиларни етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:

денгиз тўлқини рангли иссиқ тутадиган трикотаж ич кийим, денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар, оқ рангли трикотаж майкалар, денгиз тўлқини рангли трикотаж фуфайкалар, ҳаворанг тусли трикотаж майкалар, кирза этиклар, иссиқ тутадиган ботинкалар, кўнжи калта формали ботинкалар, денгиз тўлқини рангли жемперлар, ўт ўчирувчилар жанговар кийими (маҳсус қўлқоплари билан), денгиз тўлқини рангли «IV» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «QQ» шевронлари, «соя» рангли камуфляж «IV» шевронлари, «соя» рангли камуфляж «QQ» шевронлари, курсовкалар (5-ўқув йили учун), милиция учун олтин рангли кокардалар, оддий таркиб учун хаки рангли кокардалар, офицерлар таркиби учун хаки рангли кокардалар, олтин рангли 20 мм.ли юлдузчалар, олтин рангли 13 мм.ли юлдузчалар, хаки рангли 20 мм.ли юлдузчалар, хаки рангли 13 мм.ли юлдузчалар, 10x45 мм.ли металл пластиналар, 20x45 мм.ли металл пластиналар, 14 мм.ли жез(латун)дан ишланган тумгалар, умумқўшин эмблемалари, ип аралашган жунли одеялар, пахтали матраслар, пахтали ёстиқлар, астарбоп матолар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш тижорат таклифлари — эълон чоп этилган санадан бошлаб 31 кун давомиди қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кунни соат 9.00 дан 19.00 гача куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қармана тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 21-1306/3448-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қармана тумани, Малик Рабод кўрғони, «Сардоба Парранда» МЧЖда жойлашган, умумий ер майдони 608 773,6 кв.м. бўлган паррандачилик фабрикаси биносининг бир қисми (33 та товухона биноси, 11 жўзахона биноси, маъмурий бино, инкубация биноси, қолбаса цехи, товух тозалаш цехи, туҳум омбори, тикув цехи, 5 та омборхона биноси) тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 499 934 608 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 январь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 21 январь кунни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Манзил: Навоий шаҳри, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали. Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz rieltssavdo@inb.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи жамоаси музей директори, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси Бахтиёр Ҳасановга волидан муҳтарамаси

ХУРИ аянинг
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар мухбирлари тармоғининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири Тулқин Турақуловга падары бузрукворы

ЖУМА бобонинг
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Муҳаммад Абдуллаевга волидан муҳтарамаси

ОЙПОШПА аянинг
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси 2-Госпиталь педиатрия кафедрасининг солиқ ассистенти

Юсуф ҚУРБОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.



UZTELECOM

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"
акциядорлик компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини

**Янги —
2014 йил**

**билан самимий
муборакбод этади!**

Жонажон Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортишига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларига файзу барака, ишларида улкан зафарлар тилайди!

UZTELECOM



«ЎЗВИНОСАНОАТ-КОЛДИНГ»
КОМПАНИЯСИ
жамоаси

ватандошларимизни
Янги йил
билан қўшлайди!

*Кириб келган йил мамлакатимиз
иқтисодиётида жадал ривожланиш даври,
юртдошларимиз ҳаётида
унутилмас ютуқларга,
бахт ва омадларга бой йил
сифатида муҳрланиб
қолсин!*

**Байрам кайфияти ҳамisha сизларга
ҳамроҳ бўлсин, азизлар!**



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»
очиқ акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси

юртдошларимизни ва мамлакатимиз меҳмонларини

2014 йил — Соғлом бола йили
билан табриклайди!

*Янги йил юртимизга тинчлик, фаровонлик, бахт-иқбол,
дастурхонларимизга қўт-барака олиб келсин!*

*Ватанимиз гулаб-яшнаши йўлида олдимизга қўйган барча режаларимиз
амалга ошиб, эзгулик ва шукроналик туйғулари бизни ҳеч қачон тарк этмасин!*



«ЎЗСООВЕТАЪМИНОТХИЗМАТ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини

**Янги —
2014 йил**
билан муборакбод
этади!

*Барчангизга соғлиқ ва омонлик,
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
Кириб келган йил янги омадлар,
ютуқлар йили бўлсин, азиз ватандошлар!*

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 352 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўялолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

